



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 5 июнь, № 118 (7898)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН СЕНАТИ РАИСИ БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ Йўналишларини муҳокама қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаевни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши

қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари бугун юксак даражага чиққанини мамнуният билан қайд этди. Сенат Раиси Маулен

Ашимбаев, ўз навбатида, Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт

Тоқаевнинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожланти-

риш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Пандемия оқибатларини бир-бирига енгиб ўтиш мақсадида ҳукуматлар, ҳудудлар ва тадбиркорлар даражасида фаол алмашувлар давом этмоқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 40 фоизга ошди. Машинасозлик, тўқимачилик саноати, транспорт, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида йирик кооперация лойиҳалари тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар соҳадаги дастурлар қайта тикланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги кун тартибининг шакллантиришда фаол иштирок этиши, ҳудудлар маъмуриятлари ва ишбилармон доираларини кенг жалб қилган ҳолда янги ташаббуслар ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорлик ва ўзаро мувофиқлашувни кучайтириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижро этилишини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг энг кам пенсия ва нафақа миқдорларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақлифларини инобатга олиб, **2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб**:
 - а) белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг **20 фоизи миқдоридан қўшимча тўлов** (кейинги ўрилларда — қўшимча тўлов) жорий этилсин.
 - б) ундан кам пенсия олувчи шахсларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда **256 675 сўмдан 400 000 сўмга** оширилади;
 - в) белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 565 000 сўмга кам пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори **565 000 сўмга** етказилсин;
 - г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори **315 030 сўмдан 400 000 сўмга** етказилсин;
 - д) боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун **қўшимча тўлов** жорий этилсин;
 - е) пенсияси олувчиларнинг энг кам нафақа миқдорига қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори **256 675 сўмдан 400 000 сўмга** оширилсин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин;
 - ж) нафақаси олувчи оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори **400 000 сўм** ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун **150 000 сўмдан** қўшимча тўлов белгилансин;
 - з) болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа оғига **513 350 сўмдан 565 000 сўмга** оширилсин.
2. Молия вазирлиги ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига қолдиқ маблағлари ҳамда республика бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин.
3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мақсадида энг кам миқдори **256 675 сўмдан 400 000 сўмга** оширилсин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари ва иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.
5. Молия вазирлиги маъмурият вазирлиги ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазиirlар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юксалинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 4 июнь

ЮКСАК ИШОНЧ ВА ЎЗARO ҲУРМАТГА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР

Кейинги йилларда Ўзбекистон барча йўналишда очик, дўстона ҳамда фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда. Бунда парламентларо алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу тариқа бир қатор хорижий давлатлар билан парламентларо алоқалар тобора ривожланимоқда. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларни қамраб олган ҳолда жадал тараққий этмоқда.

Мулоқот

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот аввалида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раисини юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдаги фаолиятига муваффақият тилади.

Учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Қозоғистон яқин қўшниллар, вақт синовидан ўтган ҳамкорлардир. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик юқори ишонч ҳамда ўзаро ҳурмат асосида ривожланиб бормоқда. Турли даражадаги алоқаларнинг фаоллашуви мамлакатларимизнинг кўп қиррали муносабатларини кенгайти-

ришдан манфаатдор эканлигини англатади. Мулоқот чоғида меҳмонларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонунчилик фаолияти, норма ижодкорлиги, қўйма ва фракциялари иш услулари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўз навбатида, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси М. Ашимбаев самимий учрашув ҳамда сўхбат учун миннатдорлик билдириб, конструктив ва амалий руҳдаги мулоқотларни изчил давом эттириш, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлган парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш ҳар томонлама фойдали эканини қайд этди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги парламентларо алоқаларни кенгайтириш ва уни янги мазмун

билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораётгани хусусида сўз юритилди.

Мулоқотда Н. Исмоилов Қозоғистон парламенти вакилларини Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларолини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси доирасида шу йил 24 июнь куни Бўҳоро шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "Барқарор мақсадларга эришишда парламентларо глобал шериклик" мавзудаги халқаро форумга, 2021 йил 12-13 август кунлари эса Тошкентда бўлиб ўтадиган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжапон конференциясига тақлиф этди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашда парламентларолини ролини кучайтиришга келишиб олинди.

3

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш ва ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2018 йилда 5 минг 749 та объект рўйхатдан ўтказилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 6 минг 331 тани ташкил қилди.

ЭНДИ СУҒУРТА ШАРТНОМАЛАРИ ДАВЛАТ ТИЛИДА БЎЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини янада такомиллаштириш бўйича тайёрланган қонун лойиҳасини муҳокама қилиб, рўйхатга олинмаётган интеллектуал мулк объектлари сони йилдан-йилга ошаётган бўлса-да, уларни рўйхатдан ўтказиш муддати тобора ортга сурилётганини таъкидлади.

Жумладан, товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш 8 ойга, ихтироларни қайд этиш эса 4 йилга қўзилимоқда. Бу эса кўпга эътироз ва муаммоларни келтириб чиқаряпти.

Янги қонун лойиҳасида интеллектуал мулкларни давлат рўйхатдан ўтказишга тезкор экспертизани жорий этиш, рўйхатдан ўтказиш муддатини қисқартириш, мулк ҳуқуқлар ҳимоя муддатини узайтириш, етказил-

ган зарар учун товон миқдорининг белгиланиши каби масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, муаллиф вафотидан кейин муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоя муддатини 50 йилдан 70 йилга узайтириш тўғрисидаги меъёрлар қайтарилган.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллади. Шундан сўнг "Суғурта фаолияти тўғрисидаги"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

— Муҳими, энди суғурта шартномалари давлат тилида бўлади, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров. — Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро суғурта ташкилотлари эса давлат тилидаги таржимасини илова қилиш шартини тегини чет тилида шартнома тузиши мумкинлиги белгиланмоқда.

3

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА НИМА ТАКЛИФЛАР БЕРДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб, "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан ташқи иқтисодий фаолият йўналишида, яъни божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар талаблари асосида амалдаги Божхона кодексига қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, товар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимларига жойлаштириш мақсадида талаб этиладиган рухсатномалар бериш тартиби бекор қилинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг туристик салоҳиятини ошириш мақсадида бож олинмайдиган савдо дўконининг учинчи тури киритилмоқда. Яъни божхона ҳудудига олиб қилинган чет эл товарларини ёки Ўзбекистон товарларини миллий валютада ёки чет эл валютасида чакана ҳолда реализация қилишга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча бўлиб турган, чет эллик шахслар учун бож олинмайдиган савдо дўкони нормаси киритилмоқда.

3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 3 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан таъбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларида белгиланган имтиёзларига ва иммунитетларига дахл қилмайди.

2-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **фуқаролиги бўлмаган шахс** — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс; **чет эл фуқароси** — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс;

чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картиси (бундан буён матнда идентификацияловчи карта деб юритилади) — идентификацияловчи карта эгасининг шахсини ва фуқаролигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган, эгасининг шахсга доир биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон жиҳзини (чипни) ўз ичига олган ҳужжат; **ҳаракатланиш ҳужжатлари** — миллий паспортлар, шунингдек уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар бўлиб, улар асосида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириш (ундан чиқиш) ва унинг ҳудудида бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

4-модда. Икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига эга бўлган чет эл фуқаролари

Икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига эга бўлган чет эл фуқаролари қайси давлат фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига кирган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ўша давлатнинг фуқаролари ҳисобланади.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 27 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 29 майда маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенцияси (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 4 июнь № УРҚ—693

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

5-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати асослари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқishi, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг қонуни олдida тенгдирлар.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча туриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз танловига қўра ўзининг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича жойлаштириш жойларida ёки бошқа уй-жой майдонida, шунингдек даволaш муассасаларida вақтинча яшaши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтaди.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшaш тартиби

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшaши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунчиликда белгиланадиган тартибда доимий яшaш жойи бўйича рўйхатдан ўтaди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшaш жойи бўйича доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг идентификацияловчи картаси берилади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификацияловчи карталарни расмийлаштириш ҳамда бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

8-модда. Сийёсий бошпана бериш

Ўзбекистон Республикасида сийёсий бошпана чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироғ этилган принциплари ҳамда нормалари асосida, ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Сийёсий бошпана ўз фуқаролиги бўйича мансуб бўлган мамлакатда ёки доимий яшaш жойida ижтимоий-сийёсий фаолияти, диний эътиқоди, irqий ёки миллий мансублиги учун таъбиқ қилиншдан ёки таъбиқнинг баърланувчиси бўлишига реал таҳдиддан, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларida назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилишларининг бошқа ҳолларидан бошпана ва ҳимоя излаётган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига берилади.

Ўзбекистон Республикасида сийёсий бошпана бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

2-бoб. Идентификацияловчи картани бериш ва бекор қилиш, унинг амал қилиш муддати

9-модда. Идентификацияловчи картани бериш

Идентификацияловчи карта:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга – улар ўн олти ёшга тулганида ёки ота-онанинг, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига қўра – бошқа туғилган пайтидан эътыборан ва ўн олти ёшга тўлғунига қадар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшaш учун рухсатнома олган шахсларга, шу жумладан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, бироқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилмаган ёки «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилган шахсларга; қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида қўчмас мулк сотиб олган чет эл фуқароларига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича қорхоналар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларida назарда тутилган шартлар асосida инвестициялар киритган чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шу жумладан чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъсисларига (иштирокчиларига), шунингдек уларнинг оила аъзоларига;

Ўзбекистон Республикасида сийёсий бошпана берилган чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида сийёсий бошпана берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосida берилади.

10-модда. Идентификацияловчи картанинг амал қилиш муддати

Идентификацияловчи карта куйидаги амал қилиш муддатларига берилади:

янг тутилган бир ёшгача бўлган болаларга – икки йилга; бир ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга – беш йилга;

ўн олти ёшдан олтмиш ёшгача бўлган шахсларга – беш йилга;

олтмиш ёшдан ошган шахсларга – ўн йилга.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатдан ўтказилган фуқароларига идентификацияловчи карта уларнинг миллий паспортларининг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатга берилади.

Ушбу Қонун 9-моддасининг олтинчи хатбошисida назарда тутилган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига идентификацияловчи карта ўн йил муддатга, бироқ ўз ҳаракатланиш ҳужжатларининг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатга берилади.

11-модда. Идентификацияловчи картани бекор қилиш

Идентификацияловчи карта куйидаги ҳолларда бекор қилинади: чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс қонунчиликда белгиланган тартибда хорижга доимий яшaш учун чиқиб кетганда; чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиқиб кетганда, агар улар уч йилдан кейин узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшaш жойига қайтмаган бўлса;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиқиб кетган фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тугагунига қадар узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги ўз доимий яшaш жойига қайтмаганда, ҳаракатланиш ҳужжатини узрли сабабларсиз хорижда алмаштирмаганда ёхуд уни алмаштиришни рад этганда. Касаллик, яшаб турилган мамлакатда консуллик муассасаси мавжуд эмаслиги ва фуқарога боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар узрли сабаблар ҳисобланади;

идентификацияловчи картани бекор қилиш тўғрисида чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс шахсан мурожаат қилганда ёхуд нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилганда ёки хориждаги тегишли органларнинг сўровига қўра;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига маъмурий тарзда чиқариб юборилганда;

суднинг қарорига асосан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бедарак йўқолган деб эълон қилинганда;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс вафот этганда – фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг шахсинг ўлими ҳақидаги гувоҳномаси ёки маълумотномаси асосida;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қабул қилинганда;

чет эл фуқароси ўз миллий паспортининг амал қилиш муддати тугагандан кейин олти ой ичida уни алмаштирмаганда ёки ўз мамлакатининг фуқаролигидан чиққанлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этмаганда;

давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарларининг илтимосномаси асосida чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан доимий яшaш учун рухсатнома олинганда – ушбу органлар ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосida;

идентификацияловчи картани олиш чоғida шахс томонидан ўзи ёки ўз қариндошлари ҳақида ёлғон маълумотлар, шунингдек қалбақлаштирилган ва сохта ҳужжатлар тақдим этилганда.

3-бoб. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятлари

12-модда. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз шаъни ва обрўсига қилинган таъовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштишдан ҳимояланиш, турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг қонунida назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосida процессуал мажбурлов ва маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ҳамда ушлаб турилишига ёхуд қамоққа олинишига сабаб бўлган ҳолатлар тўғрисида хабар қилиниши керак.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органларининг рухсатномалари асосida ҳаракатланиш амалга ошириладиган чегара зоналарида ҳамда чегара чиқирларида чекланиш мумкин.

Чегараолди ҳудудлар аҳолисининг ўзаро сафарлари қондаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси билан белгиланган ҳужжат асосida Ўзбекистон Республикасига кириб келган чет эл фуқаролари ҳаракатланишининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

14-модда. Мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлар

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ёки халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда мулк ҳуқуқидан фойдаланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ва халқаро шартномаларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзига мулк ҳуқуқи асосida тегишли бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш ёки васият қилиш, шунингдек бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

15-модда. Меҳнат фаолиятига доир ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасida мажбуриятлар бўлади.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ муайян лавозимларга тайинланиш ёки муайян меҳнат фаолияти тури билан шугулланиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик билан боғлиқ бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу лавозимларга тайинланиши, сайланиши ёки муайян меҳнат фаолияти тури билан шугулланиши мумкин эмас.

16-модда. Ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигida ва халқаро шартномаларида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ижтимоий таъминоти тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқдан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади.

18-модда. Таълим олиш ҳуқуқи

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

19-модда. Никоҳ тузилганлигини (никоҳдан ажратилганлики) қайд этишга ва оилавий муносабатларга доир ҳуқуқ

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида никоҳ тузилганлигини қайд этишга доир ҳуқуққа эга.

Чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасida, шунингдек чет эл фуқаролари ва (ёки) фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасida никоҳ тузилганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан фойдаланади ва уларнинг зиммасida мажбуриятлар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарida, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонунчилигига риоя этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасida тузилган никоҳлар, агар Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонунчилигida назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасida никоҳдан, шунингдек чет эл фуқаролари ўртасidaги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

20-модда. Маданий фаолият соҳасida иштирок этиш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маданий фаолият соҳасida Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасida мажбуриятлар бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз она тилидан фойдаланиш, шунингдек, миллий маданияти ва аънааналарни ривожлантириш ҳуқуқига эгадир.

21-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, иштирокчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, бундан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар мустасно.

22-модда. Мурожаат қилиш ҳуқуқи

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига, ташкилотларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунida белгиланган тартибда аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни қўриб чиқиш чоғida чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этидиган маълумотларни ўз ичига олмаса, шунингдек улар билан танишиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, ҳамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлайди.

23-модда. Давлат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ давлат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

24-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси сайловларида ҳамда референдумida иштирок этишини чеклаш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида сайловчилар сифатида иштирок этиши мумкин эмас, давлат ҳокимияти органларига сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас, Ўзбекистон Республикасининг референдумida, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

25-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя этиши;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши;

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаши;

атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши шарт.

26-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг умумий ҳарбий мажбуриятга алоқадорлиги

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

27-модда. Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга солиқ солиш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ қонунлигida белгиланган солиқларни ва унда назарда тутилган йиғимларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ тўлайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигida назарда тутилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкин.

4-бoб. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, Ўзбекистон Республикасидан чиқishi, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиши

28-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш

Чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигida ва халқаро шартномаларida бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси томонидан виза режими ўрнатилган мамлакатлар учун эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кириш визалари (шу жумладан электрон визалар) мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кириш визалари мавжуд бўлган тақдирда амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно.

Ушбу Қонун 9-моддасининг олтинчи хатбошисига биноан ўзига идентификацияловчи карта берилган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириш тартиби қонунчиликда

